

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини
ошириш маркази директори**



А. Рахматов

2020 йил “ 2 ” июнь



“МЕДИАТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ”

**(“Медиация. Таянч курси” ва “Фукаролик ҳукукий муносабатларда
медиация”)**

ўқув курси бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ

Ўқув дастури Юристар малакасини ошириш маркази
Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил
___ июндаги йигилишида муҳокама қилинган
ва маъқулланган (_____-сонли баённома).

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги
“Медиация тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-
тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Адлия вазирининг 2019 йил
31 январдаги “Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида”
[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 январда
рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами - 3134] 54-мх-сон буйугига мувофиқ
ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролик ҳуқуқий
муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш учун
медиаторларни тайёрлаш, уларда музокаралар олиб бориш технологияси,
стресс ҳолати ва келишмовчиликларни бошқариш, медиация тартиб-таомили
ҳақида таянч билимлар бериш, низоларни ҳал қилиш бўйича амалий
кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Тузувчилар: Юристар малакасини ошириш маркази директорининг
биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор А. Отажонов;
Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н.,
доцент С. Марипова;
Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш
бўлими бошлиғи Ш. Хасанов.

Тақризчилар: Юристар малакасини ошириш маркази директори
А. Раҳматов;
Тошкент Давлат юридик университети проректори, ю.ф.д.,
профессор Н. Салаев.

СЎЗ БОШИ

“Медиаторларни тайёрлаш” ўқув курси бўйича Ўқув дастури медиаторларни тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги икки қисмдан иборат:

1-қисм: “Медиация: таянч курси”;

2-қисм: “Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиация”.

Ўқув дастурининг 1-қисмида Ўзбекистон Республикасида сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш масалалари, медиация ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари ва усуллари, халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва инсон ҳуқуқлари ҳамда медиатор касб этикаси ва психология йўналишига ҳамда 2-қисмида фуқаролик-ҳуқуқий низоларини ҳал қилишда медиацияни қўллашнинг хусусиятларига оид машғулотларида уларнинг билим доирасини кенгайтириш, ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Тингловчилар Ўқув дастурининг “Медиация. Таянч курси” қисмини тўлиқ ҳамда “Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиация” қисмини ўзлаштиришлари шарт. Бунда медиаторларни тайёрлаш махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатда тингловчиларнинг “Медиаторларни тайёрлаш” ўқув дастури бўйича ўзлаштирган модуллари – “Медиация. Таянч курси” ва “Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиация” ихтисослиги ақс этиши лозим.

“Медиаторларни тайёрлаш” ўқув курсининг мақсади: медиациянинг асосий принциплари ва қоидаларига мос ҳолда ҳамда медиатор этикасига риоя қилиб, медиацияни ўтказишга қодир бўлган медиаторларни тайёрлашдан иборат.

Ўқув дастури қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

1-қисми бўйича: тингловчиларнинг инсонларнинг ўзаро муносабатлари ва зиддиятли вазиятларда ўзини тутишларига нисбатан дунёқарашини ўзгартириш; классик (фасилитатив) медиациянинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш; медиацияни турли баҳс ва низоларни ҳал этиш технологияси сифатида ўрганиш; медиациянинг принциплари ва босқичлари, медиацияда самарали коммуникация ҳамда томонларнинг манфаатлари ва ҳиссиётлари билан ишлаш ҳақидаги билимларга эга бўлиш; медиация тўғрисидаги миллий ва халқаро қонунчилик бўйича билимларни эгаллаш; медиацияни ўтказиш борасида амалий кўникмаларни шакллантириш.

2-қисм бўйича: медиациянинг алоҳида соҳалари бўйича асосий тушунчаларни ўрганиш; фуқаролик-ҳуқуқий низолари ҳамда низоли вазиятлар соҳасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича таянч билимларни эгаллаш; фуқаролик-ҳуқуқий низоларини ҳал қилишда медиацияни қўллашнинг хусусиятларини ўрганиш; фуқаролик-ҳуқуқий низоларини ҳал қилишда медиацияни қўлашнинг амалий ёндашувларини ҳамда бу каби низоларни ҳал қилишнинг чуқур медиатив техникасини ўрганиш ва билимларни амалий мустаҳкамлаш.

Ўқув курсининг долзарблиги. “Медиаторларни тайёрлаш” ўқув курсининг 1-қисми малака оширувчи тингловчиларнинг (медиаторлар) қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва кўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши; медиацияни ўтказиш принциплари ва қоидалари; зиддият ва низолар ҳақидаги таянч билимлар; медиацияда ахборотлар билан ишлашнинг хусусиятлари ва томонларнинг манфаатлари ва позициялар ўртасидаги фарқлар; интегратив ва дистрибутив музокаралар ўртасида фарқлар; медиация соҳасидаги қонунчилик ва медиацияда тузиладиган битимлар (келишув); медиаторнинг этика қоидаларига риоя қилини бўйича *назарий билимларга эга бўлишларига*, шунингдек, ўзаро низолашувчи томонларнинг ахборотли учрашувини (премедиация) ўтказиш ва низонинг (баҳс) медиабиллиги даражасини баҳолаш; музокараларни бошқариш бўйича коммуникатив кўникмалардан фойдаланиш; медиацияни ўтказиш; медиатив келишув тузиш ҳамда медиаторнинг ҳужжатлар айланишини юритиш бўйича малакаларга эга бўлишига имкон беради.

“Медиаторларни тайёрлаш” ўқув курсининг 2-қисми малака оширувчи тингловчиларнинг (медиаторлар) фуқаровий-ҳуқуқий низолар бўйича амалий медиация соҳасида компетенциясини ривожлантириш, профессионал фаолият олиб борувчи медиаторнинг касбий компетентлигини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришга эга бўлишига замин яратади.

Тингловчилар контингенти – ўқув дастури медиаторлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ихтиёрий касб эгаларини ўқитишга мўлжалланган.

Дастлабки талаблар: тингловчилар ўрта-махсус ёки олий маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув курсининг ҳажми: Махсус ўқув курсларида таълим олиш кундузги шаклда шартнома асосида бир ойдан кам бўлмаган муддат (144 соат) давомида амалга оширилади.

Ўқитиш шакли: тўғридан-тўғри ўқиш ёки масофавий таълим.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Умумий малака талаблари

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юримдик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юримдик муаммоларни ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Касбий малака талаблари

Қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввур;

Ўзбекистон Республикасида медиация институтининг ҳуқуқий асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун ва моҳияти ҳақида яхлит тасаввур;

фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш борасида билимлар;

медиацияни олиб бориш технологияси, усуллари, стресс ва низоли вазиятларни бошқариш ҳамда медиаторнинг одоб-ахлоқи ва шахсий кўникмалари.

ИЗОҲ ХАТИ

Дастур мазмунининг янгилиги: Ўқув дастури Ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги “Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида” [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами - 3134] 54-мх-сон буйруғида белгиланган талаблар мажмуига мос келади.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

Дастурнинг концептуал ғояси: тингловчи медиаторлик фаолиятининг асосий йўналишлари, жумладан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш бўйича янги маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари: Медиаторлик фаолиятинининг қонун устуворлиги, мустақиллиги ва бошқа демократик тамойиллари асосида амалга оширилиши.

Яқуний имтиҳон: Яқуний имтиҳон тингловчининг билим ва кўникмаларини икки хил йўл билан баҳолашни ўз ичига олади:

назарий билимлар – оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан;

амалий кўникмалар – низоли масалаларни медиация жараёнлари имитацияси натижалари бўйича.

Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми: ўқув курсини ўрганиш учун 144 соат ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 40 соат, семинар – 14 соат, амалий машғулоти – 78 ва яқуний синовлар учун – 12 соат ажратилган.

**“Медиаторларни тайёрлаш” ўқув курсидан
МАНЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Жами
1-ҚИСМ. МЕДИАЦИЯ: ТАЯНЧ КУРСИ					
<i>1-модуль. Ўзбекистон Республикасида сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш масалалари</i>					
1.	Низоларни муқобил ҳал қилишнинг ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни	2	-	-	2
2.	Ўзбекистон Республикасида медиациянинг ҳуқуқий асослари, қўллаш хусусиятлари ва оқибатлари	2	-	-	2
3.	Медиация фанлараро соҳа сифатида	2	-	-	2
4.	Медиация жараёнида томонларнинг вакиллари, экспертлар, мутахассислар ва бошқа шахсларнинг иштироки	2	-	-	2
<i>2-модуль. Медиация ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари ва усуллари</i>					
5.	Низоларни муқобил ҳал қилиш (АРС) тизимида медиация	2	-	-	2
6.	Медиациянинг низоларни ҳал қилиш усули сифатидаги хусусиятлари	2	-	4	6
7.	Низо: тушунчаси, тузилиши ва динамикаси	2	-	-	2
8.	Медиацияда ахборотлар билан ишлаш	2	-	-	2
9.	Медиаторнинг коммуникатив кўникмалари	2	-	-	2
10.	Медиацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш	2	-	-	2
11.	Медиация босқичлари: медиаторнинг кириш сўзи	2	-	4	6
12.	Медиация босқичлари: томонларнинг тақдимотлари	2	-	4	6
13.	Медиация босқичлари: дискуссия (савдолашиш, интегратив ва дистрибутив музокаралар)	2	-	4	6
14.	Медиация босқичлари: медиатив келишув тайёрлаш. Медиациядан чиқиш	2	-	4	6
<i>3-модуль. Халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва инсон ҳуқуқлари</i>					
15.	Замонавий шароитларда медиацияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш	2	-	-	2

16.	Медиацияни ўтказишнинг амалий кўникмаларини халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мос ҳолда шакллантириш	2	-	4	6
4-модуль. Медиатор касб этикаси ва психология					
17.	Медиаторнинг касбий этикаси	2	-	-	2
18.	Медиациянинг инструментлари	2	-	-	2
19.	Медиацияда идрок этиш ва коммуникация	2	-	-	2
20.	Медиаторнинг ҳиссий компетенцияси. Медиацияда ҳиссиётлар билан ишлаш	2	-	-	2
	Оралиқ назорат	-	-	8	8
	<i>1-қисми бўйича жами</i>	40	-	32	72
2-ҚИСМ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МЕДИАЦИЯ					
5-модуль. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиацияни қўлашнинг хусусиятлари					
21.	Низо ҳудудида ишлаш	-	2	6	8
22.	Медиацияда агрессия билан ишлаш	-	2	6	8
23.	Ҳиссий куйиш синдроми ва уни олдини олиш	-	2	6	8
24.	Стрессга қарши методикалар	-	2	6	8
25.	Медиацияда эътирозлар билан ишлаш	-	2	6	8
26.	Кўп томонлама низоларда медиация	-	2	8	10
27.	Меросга оид низоларда медиация	-	2	8	10
	<i>2-қисми бўйича жами</i>	-	14	46	60
	Якуний синовлар: 1-босқич: назарий билимларни текшириш – оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан; 2-босқич: амалий кўникмаларни текшириш – низоли масалаларни медиация жараёнлари имитацияси натижалари бўйича	-	-	12	12
	Ж А М И:	40	14	90	144

ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ

1-ҚИСМ. МЕДИАЦИЯ: ТАЯНЧ КУРСИ

1-модуль. Ўзбекистон Республикасида сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Қонунчиликни амалда қўллаш масалалари

1-Мавзу. Низоларни муқобил ҳал қилишнинг ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни

Яраштирув комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш ва низоларни судга қадар ҳал қилишни ривожлантиришга қаратилган фуқаролик жамияти институтлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг роли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори (3-илова) билан тасдиқланган “Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисидаги Намунавий низом”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармонининг асосий қоидалари. Адвокатларнинг медиаторлик фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-497-сон қонуни таҳририда адвокатура тўғрисидаги қонунчиликка киритилган янгиликларнинг аҳамияти.

2-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида медиациянинг ҳуқуқий асослари, қўллаш хусусиятлари ва оқибатлари

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги ЎРҚ-482-сон қонунининг мазмуни ва моҳияти. Медиацияни қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари ва фуқаролик, иқтисодий-процессуал ва ҳакамлик қонунчилигидаги яраштирув жараёнларини такомиллаштириш. Давлат божларини ундиришда яраштирув ва медиаторлик келишувларининг хусусиятлари. Ижро фаолиятида медиация.

3-Мавзу. Медиация фанлараро соҳа сифатида

Медиация ва юриспруденция. Моддий ва процессуал қонунчилик асослари. Медиация ва психология. Медиация ва психолингвистика. Медиация ва инсон фаолиятининг бошқа соҳалари. Методлар фалсафаси. Медиация ва одил судлов. Медиатив фаолиятни тартибга солиш асослари.

4-Мавзу. Медиация жараёнида томонларнинг вакиллари, экспертлар, мутахассислар ва бошқа шахсларнинг иштироки

Томонлар вакилларининг медиацияда иштироки ва уларнинг ҳуқуқий мақоми. Медиация жараёнида мутахассислар, экспертлар, таржимон ва бошқа шахслар иштироки зарурлигини аниқлаш ҳамда уларнинг мақоми.

2-модуль. Медиатив ишларнинг ҳуқуқий асослари. Медиатор фаолиятининг асосий йўналишлари ва услублари

5-Мавзу. Низоларни муқобил ҳал қилиш (АРС) тизимида медиация

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонунда қўлланилган ва ўқув жараёнида фойдаланиладиган атамалар ва тушунчалар.

Замонавий шароитларда низоларни муқобил ҳал қилиш (АРС) тушунчаси ва уларнинг турлари. Медиацияни дунёда ва Собиқ Иттифоқ ҳудудларида ривожланиш тарихи. Медиацияни низоларни ҳал қилишнинг бошқа усуллари билан фарқи. Медиация ва суднинг ҳамкорлиги шакллари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг медиацияни давлат микросидаги мувофиқлаштирувчи сифатидаги роли.

6-Мавзу. Медиациянинг низоларни ҳал қилиш усули сифатидаги хусусиятлари

Медиация низоларни суддан ташқарида ҳал қилиш технологияси сифатида. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонуни медиациянинг принциплари, тартиби ва медиацияда ўзини тутиш қоидалари ҳақида. Медиациянинг турлари. Медиацияни қўллаш соҳалари. Медиацияда вакиллик. Медиацияда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Медиаторнинг ҳуқуқий мақоми. Медиаторнинг роли ва функциялари. Медиатор фаолиятини ташкил қилиш. Медиация тартиби тушунчасини мустаҳкамлаш – ўқитувчининг медиатор ролида медиацияни намойиш этиши. Тингловчилар билан медиацияни муҳокама қилиш.

7-Мавзу. Низо: тушунчаси, тузилиши ва динамикаси

Низо тушунчаси. Низоларнинг сабаблари. Низонинг тузилиши. Низо эскалациянинг босқичлари. Низоларда одамларнинг ўзини тутиш усуллари. Медиабеллигини аниқлаш учун низонинг диагностика қилиш. Низоларда манфаат ва позициялар.

8-Мавзу. Медиацияда ахборотлар билан ишлаш

Медиацияда ахборотнинг аҳамияти. Низоли вазиятда ахборотларни идрок қилишнинг хусусиятлари (когнитив филтрлар) – борлиқнинг субъектив манзараси, одам установақасининг роли, воқеликни бузиб идрок этиш. Фактлар ва уларнинг талқинлари. Ахборотларни идрок қилишдаги хатолар. Медиацияда ахборотларни холислигини таъминлаш (ошириш) усуллари.

9-Мавзу. Медиаторнинг коммуникатив кўникмалари

Коммуникация: тушунчаси ва шакллари. Медиацияда коммуникациянинг хусусиятлари. Самарали коммуникация техникаси: фаол эшитиш, қайтариш (эхо-такрорлаш), сўз ва ибораларни қайта тузиш, фикрларни ривожлантириш, хулоса қилиш (резюмирование), “рефрейминг”. “Коммуникацияда блокировкалар”. Саволлар медиаторнинг коммуникатив техник воситаси сифатида. Саволларнинг турлари. Томонларнинг кизиқиш ва манфаатларини аниқлаш учун “саволлар воронкаси”. Медиация жараёнида новербал коммуникация.

10-Мавзу. Медиацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш

Медиацияга тайёргарлик. Мижоз билан телефон сўзлашмаси. Томонларнинг медиатор билан учрашувга ёзма розилиги. Медиаторнинг медиация иштирокчилари билан ахборотли учрашуви (премедиация). Ахборотли учрашувда ўзини тутишнинг

тузилиши. Медиация жараёнини ўтказиш учун келишув тузиш (келишиш). Судда ҳал қилиш жараёнида турган низолар медиациясини ўтказишга тайёргарлик. Медиацияни давлат органи иштирокида амалга оширишнинг хусусиятлари.

11-Мавзу. Медиация босқичлари: медиаторнинг кириш сўзи

Медиатор кириш сўзининг мақсадлари. Кириш сўзининг тузилиш ва мазмуни. Медиаторнинг томонлар билан ахборотли учрашувидан кейинги кириш сўзининг хусусиятлари. Тингловчилар томонидан медиатор кириш сўзи вариантларини амалда тайёрлаш.

12-Мавзу. Медиация босқичлари: томонларнинг тақдимотлари

Томонлар тақдимотлари босқичларининг мақсадлари. Тақдимотлар босқичида медиаторнинг коммуникатив техникалари – фаол эшитиш, эхо-такрорлаш. Медиация жараёнида медиатор томонидан ёзувларни амалга ошириш бўйича тавсиялар. Тингловчиларнинг фаол эшитиш ва эхо-такрорлаш кўникмаларини амалда синаш.

13-Мавзу. Медиация босқичлари: дискуссия (савдолашиш, интегратив ва дистрибутив музокаралар)

Дискуссия босқичининг мақсадлари. Тижорат/оила медиацияси жараёнини имитацияси ва томонларнинг аниқ манфаатларини аниқлаш жараёнида қўлланиладиган техникаларнинг намоиши, хиссиётлар билан ишлаш – музокаралар кун тартибини шакллантириш, томонлар билан индивидуал суҳбат (кокус), очикча саволлар. Тингловчилар билан юқоридаги техникаларнинг қўллаш хусусиятларининг муҳокамаси.

Томонлар манфатлари бўйича музокаралар медиацияда музокаралар босқичининг асоси сифатида. Дистрибутив савдолашиш. Музокараларда мавҳумлик (“тупик”) тушунчаси.

Медиация жараёнларининг имитацияси ва низони ҳал этиш вариантларини кидириш ва келишишга имкон яратувчи техникаларни намоиш қилиш: объектив мезонлар билан ишлаш, низони ҳал қилиш бўйича таклифларнинг кўп вариантлилиги, муқобил вариантлар билан ишлаш, ақлий ҳужум, “иблис адвокати”. Медиацияда мураккаб мижозлар билан ишлаш. Медиацияда томонлар дисбаланси билан ишлаш. Медиация жараёнида манипуляциялар.

14-Мавзу. Медиация босқичлари: медиатив келишув тайёрлаш.

Медиациядан чиқиш

Медиацияда келишиш ва эришилган келишувларнинг реаллигини текшириш жараёнлари. Медиатив келишувга қўйиладиган ҳуқуқий талаблар. Медиатив келишувнинг тузилиши. Медиацияда чиқиш. Медиатив келишувнинг ижроси. Судда қўрилаётган низолар бўйича медиатив келишув тузиш ва унинг ижросини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Медиатив келишувни ижро қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари.

3-модуль. Медиация ва инсон ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий стандартлари

15-Мавзу. Замонавий шароитларда медиацияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш

Медиацияни қўллашни назарда тутувчи халқаро ҳужжатларнинг қисқача тавсифи ва уларнинг медиациянинг ривожланишига таъсири: “ЮНСИТРАЛ”нинг (БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси) халқаро тижорат медиацияси ва медиация натижасида эришилган халқаро дўстона келишувлар ҳақидаги намунавий қонуни 2018 - ЮНСИТРАЛ”нинг 2002 Халқаро савдо келишув тартибига 2-Илова; Европа Парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 21 майдаги фуқаровий ва тижорат ишларининг айрим жиҳатлари бўйича “2008\52\ЕС” директиваси; БМТнинг медиация натижасида эришилган халқаро дўстона келишувлари ҳақидаги Конвенцияси (лойиҳа); Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонунига халқаро ҳужжатларнинг таъсири.

Низоларни суддан ташқарида ҳал қилиш усули сифатида медиацияни ҳақиқатга эришишни соддалаштириш ва енгиллаштириш бўйича инсон ҳуқуқлари билан ўзаро боғлиқлиги. Медиация ва инсон ҳуқуқларини кенгайтириш низоларни ҳал қилишнинг йўлларида бири сифатида. Замонавий жамиятда медиация институтининг ижтимоий аҳамияти.

16-Мавзу. Медиацияни ўтказишнинг амалий кўникмаларини халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мос ҳолда шакллантириш

Муаммоли вазиятлардан (кейслар) фойдаланиб, ўқитувчи раҳбарлигида аниқ амалий ҳолатга максимал яқинлаштирилган тарздаги имитацион медиацияни ўтказиш бўйича топшириқларни бажариш (амалий кўникмаларни қўллаш). Тингловчиларга медиатор сифатида турли – фуқаролик, меҳнат, оилавий низоларни ҳамда тадбиркорлик фаолиятидаги низоларни ҳал қилиш кўникмаларини, шунингдек, медиатив келишув тузиш малакаларини ривожлантириш.

4-модуль. Медиатор психологияси ва касбий этикаси

17-Мавзу. Медиациянинг инструментлари

Медиация жараёнини самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар. Медиациянинг инструментлари, уларнинг турлари ва мақсади. Медиация жараёнида алоҳида турдаги инструментларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги.

18-Мавзу. Медиацияда идрок этиш ва коммуникация

Борлиқнинг субъектив манзараси. Идрок этиш. Идрок қилишнинг филтрлари. Установкаларнинг роли. Медиатив суҳбат жараёнидаги коммуникация. Медиатив маконда низонинг ҳиссий таркибий қисмлари билан ишлаш.

19-Мавзу. Медиаторнинг ҳиссий компетенцияси. Медиацияда ҳиссиётлар билан ишлаш

Низонинг ҳиссий таркибий қисмлари. Ҳиссиёт, туйғу ва манфатларинг ўзаро алоқаси. Ҳиссиётлар диагностикаси. Ҳиссий интеллект. Медиацияда томонларнинг ҳиссиётлари билан ишлаш. Ҳиссий ҳолатни вербаллаштириш ҳиссий зўриқишни олиш (камайтириш, йўқотиш) техникаси сифатида. Тажовузкорлик (агрессия) билан ишлаш техникаси. Медиацияда пассив ўзини тутиш билан ишлаш. Медиаторнинг бетарафлиги (нейтраллик). Босим кўрсатиш шароитларида бетарафликни сақаб қолиш. Медиаторнинг ҳиссий қуйишларини олдини олиш.

20-Мавзу. Медиаторнинг касбий этикаси

Медиатор касбий этикасининг тушуниш. Европада медиаторнинг этика кодекси. МДҲ давлатларида медиаторнинг миллий этика кодекси. Медиаторлик фаолиятида касбий этиканинг роли. Медиаторлик касбий этикаси қоидаларини бузишнинг оқибатлари.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ:

1-босқич: назорат тестларини ечиш (ёзма);

2-босқич: медиация жараёнларини ўтказишни имитация қилиш.

Ўқув дастурининг 1-қисми бўйича тест ва амалий топшириқлар шаклидаги оралиқ назоратларни ўтказиш ва баҳолаш, бу турдаги оралиқ назоратни ўтказиш бўйича методик материаллар асосида амалга оширилади.

2-ҚИСМ. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МЕДИАЦИЯ

5-модуль. Фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда медиацияни қўлашнинг хусусиятлари

21-Мавзу. Низо ҳудудида ишлаш

Низо тушунчаси ва функциялари. Ҳуқуқий низолар. Низоларнинг тузилиши. Низоларнинг таснифланиши.

22-Мавзу. Медиацияда тажовузкорлик (агрессия) билан ишлаш

Агрессия (тажовузкорлик): таърифи ва асосий назарияси. Агрессиянинг турлари. Агрессиянинг ижтимоий аниқловчилари (детерминант). Агрессиянинг ташқи детерминантлари. Агрессиянинг олдини оловчи чоралар ва агрессияни бошқариш. Агрессияни келтириб чиқарувчи омилар.

23-Мавзу. Ҳиссий қуйиш синдроми ва уни олдини олиш

Ҳиссий қуйиш синдроми касаллик сифатида: белгилари ва оқибатлари. Ҳиссий қуйиш синдромини олдини олиш усуллари. Медиаторнинг ҳиссий қуйиш синдроми. Медиаторнинг ҳиссий қуйиш синдромини олдини олиш.

24-Мавзу. Стрессга қарши методикалар

Стресс – зарурий хавотир олиш. Стресснинг яхши (позитив) томонлари. Узок муддатли стресс. Стресснинг адаптацион роли. Стрессга қарши курашнинг узок муддатли ва қисқа муддатли методлари.

25-Мавзу. Медиацияда эътирозлар билан ишлаш

Медиацияда шахсга типлогик ёндашувнинг имкониятлари. “Индамас мижоз”. “Қийин мижоз”. “Йўқ” мижоз. Эътирозлар билан ишлашда лингвистик усуллар.

26-Мавзу. Кўп томонлама низоларда медиация

Кўп томонлама низоларнинг хусусиятлари. Гуруҳий низолар билан ишлашда медиация. Узок муддатли мураккаб низоларнинг медиацияси ва медиатив қўллаб-қувватлаш. Фуқаровий-ҳуқуқий келишувларнинг турлари. Жисмоний шахслар ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг хусусиятлари. Жисмоний ва юридик шахслар ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг хусусиятлари. Истеъмолга оид низоларни ҳал қилишнинг хусусиятлари. Интеллектуал мулк масалалари бўйича низоларни ҳал қилиш хусусиятлари.

27-Мавзу. Меросга оид низоларда медиация

Ўзбекистон Республикасида мерос ҳуқуқининг асосий институтлари. Меросга оид низолар. Меросга оид низолар бўйича медиациянинг умумий тавсифи. Меросга оид низолар бўйича медиациянинг тузилиши. Меросга оид низоларнинг айрим тоифалари бўйича медиацияни ташкил қилиш ва ўтказишнинг хусусиятлари. Меросга оид низолар бўйича медиаторнинг техникалари ва усуллари.

ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтилишини назарда тутди.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг адвокатура фаолиятидаги амалий аҳамияти очиқ берилди ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва адвокатура фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак. Барча семинар машғулотлари тренинг шаклида ташкил қилинади.

Амалий машғулотлар Ўқув дастурининг барча модуллари бўйича ўқув аудиторияларида, шунингдек Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциясида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг медиация марказида, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси, Ўзбекистон Нотариал палатасида ташкил қилинади. Амалий машғулотлар давомида тингловчилар медиация жараёнларини имитация қилиш, медиатив келишувлар тузиш ва бошқа мавзулар бўйича тегишли ҳаракатларни

бажариш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида амалий топшириқларни (тегишли процессуал ҳужжатлар тузиш, муаммоли масалаларни ечиш ва х.к.) бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказ Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда мавжуд материаллар: дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақолалар, фонд маърузалари ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.

Ўқув материаллари:

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва х.к.).

Ўқув-методик материаллар:

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва х.к.).

Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминои:

шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;

“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа х.к. форматдаги файллар билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;

мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Якуний имтиҳон тингловчининг билим ва кўникмаларини икки хил йўл билан баҳолашни ўз ичига олади:

назарий билимлар — оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан;

амалий кўникмалар — низоли масалаларни медиация жараёнлари имитацияси натижалари бўйича.

БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Медиаторларни тайёрлаш” (“Медиация. Таянч курси” ва “Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиация”) ўқув курсидан назарий билимларни (оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан) ва амалий кўникмаларни (низоли масалаларни медиация жараёнлари имитацияси натижалари бўйича) аниқлаш шаклидаги 2-босқичли якуний синовларни ўтказиш методикасини назарда тутувчи,

тингловчиларда жавоб varaқалари мавжуд бўлиши белгилаб кўйилган методик материаллар.

АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Нотариат тўғрисида”ги 343-І-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги 349-І-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎРҚ-64-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги ЎРҚ-482-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-497-сон қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 5618-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5816-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июнь “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 104-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 сентябрь “Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан “ягона дарча” тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 733-сон қарори.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар

Азбука медиации / сост. Шамликашвили Ц., Ташевский С. – М., 2011. – 64 с.

Айрим туркумдаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари / Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Ш.Ш.Шорахметов. – Т.: ТДЮИ, 2006, – 248 б.

Гафуров А.Б., Тиллабаев М.А., Саидова Л.А., Исмаилов Б.И. Права человека и справедливое судопроизводство. – Т.: Baktria Press, 2014 г. – 284 б.

Гиппенрейтер Ю.Б. Общаться с ребенком. Как? – М., 2010. – 251 с. – URL: http://reced.ru/lib/books/obshatsya_s_rebenkom_kak.

Журнал «Медиация и право. Посредничество и примирение». – М., 2006-2016.

Маматов Х.Т. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари. – Т.; 2011.

Марипова С.А. “Практикум по гражданскому процессу”. – Т., ЦПКЮ, 2019. – С.300.

Марипова С.А. К вопросу о подведомственности и подсудности рассмотрения споров, связанных с приватизацией жилых помещений. Тошкент Давлат юридик институтининг ахборотномаси. – Т.: ТДЮУ, 2008.

Марипова С.А. Сборник задач и методических указаний по гражданскому процессу. – Т., 2008. – 378 с.

Марипова С.А. “Реформирование гражданского судопроизводства: новеллы гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан” // Актуальные вопросы развития гражданского процессуального права // Сборник статей международного круглого стола – Т., 2018. – С.68-72.

Марипова С.А. Медиация. Базовый курс. Основы применения медиации. – Т., 2019.

Масадиков Ш.М. Медиация-альтернативный способ разрешения гражданско-правовых споров. Учебное пособие. – Т., 2010.

Масадиков Ш.М. Проблемы правового регулирования медиации. Монография. – Т., 2014.

Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2014.

Методические рекомендации по интеграции метода школьной медиации в образовательные учреждения. ФБГУ «ФИМ», 2015.

Методические рекомендации по созданию и развитию служб школьной медиации в образовательных организациях. ФБГУ «ФИМ», 2015.

Нурматова М., Абдуллаева Н. Ахлоқий ва эстетик маданият / Ўқув-услугий кўлланма. - Т., 2013.

Нурматова М., Мухаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари / Ўқув кўлланма. Масъул муҳаррир Б.Хусанов. – Т., 2013.

Одилқориев Х.Т. Давлат ҳокимияти: моҳияти, функцияси ва замонавий талқини. – Т., 2015.

Одилқориев Х.Т; Тошев Б.Н. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислохотларнинг асосий жиҳатлари / Ўқув кўлланма. –Т., 2019.

Отахонов Ф.Х. “Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: муаммо ва ечимлар // “Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришнинг

долзарб масалалари – Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2016. – Б.7-15.

Отахонов Ф.Х. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари // “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси” журнали. – 2017. 1-сон. – Б.22-25.

Отахонов Ф.Х. Не доводя до суда // Ж. “Экономическое обозрение”. – 2017. №1. – С.90-95.

Отахонов Ф.Х. Правовые основы и перспективы развития медиации в Узбекистане // Вестник Федерального института медиации Российской Федерации. 2018. – № 4. – С.219-227.

Отахонов Ф.Х. Медиация в Узбекистане: проблемы и перспективы развития // “Конфликтология XXI века – пути и средства укрепления мира” – Материалы III Санкт-Петербургского международного конгресса конфликтологов. 15-16 ноября 2019 г., Санкт-Петербург, 2019. – С.283-285.

Отахонов Ф.Х. Правовые основы и перспективы развития медиации в Узбекистане // “Одил судлов–Правосудие” журнали, 2019. – 6-сон – Б.98-03.

Отахонов Ф.Х. Правовые основы и перспективы медиации в Узбекистане // Медиация живет на востоке. История становления медиации в Кыргызской Республике /Материалы по итогам Первой международной научно-практической конференции Республиканского сообщества медиаторов Кыргызской Республики (Бишкек, 6-7 декабря 2018 года). Бишкек, 2019. - С.138-149.

Паркинсон Л. Семейная медиация. – М., 2016. – 316 с.

Пель М. Приглашение к медиации: Практическое руководство о том, как эффективно предложить разрешение конфликта посредством медиации. – М., 2009. – 400 с.

Прокофьева Н. И. Психологические аспекты ведения переговоров. – М., 2012. – 147 с.

Psixologik atamalar ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati /Psixol. fan. dokt., prof. G'.V.Shoumarov tahr. ost. /Тузувчилар: Соғинов Н.А., Нишонова З.Т., Каримов Х.К., Умаров Б.М., Усмонов Э.Ш. – Т., 2019.

Сталберг Д. Лав Л. Третий голос. Успешная медиация. – М., 2014. – 224 с.

Стрэссер Ф., Рэндольф П. Медиация: психологический взгляд на разрешение конфликтов. – М., 2015. – 193 с.

Шамликашвили Ц.А. Основы медиации как процедуры урегулирования споров: Методическое пособие. – М., 2013. – 128 с.

Шамликашвили Ц.А. Медиация как метод внесудебного разрешения споров. – М., 2006. – 86с.

Шамликашвили Ц.А., Хазанова М.А., Метод «школьная медиация» как способ создания безопасного пространства и его психологические механизмы, Психологическая наука и образование, 2014 № 2, 26-33 с.

Интернет сайтлари

Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.mijust.uz

Ўзбекистон Республикаси ДСҚ сайти: www.soliq.uz

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси:
[http:// lex.uz](http://lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти:
www.parliament.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди сайти: www.economical-court.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти сайти: www.imal.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти:
www.nhrc.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети сайти: <http://www.nuu.uz>

Тошкент Давлат Юридик Университети сайти: [http:// www.tsul.uz](http://www.tsul.uz).

Некоммерческое Партнерство «Национальная организация медиаторов» [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.npnom.ru>.

ФГБУ «Федеральный институт медиации» [Электронный ресурс] — URL: <http://fedim.ru/>

Центр медиации и права [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.mediacia.com>.

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

“МЕДИАТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ”
(“Медиация. Таянч курси” ва “Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда
медиация”)
ўқув курси бўйича
ЎҚУВ ДАСТУРИ

Мухаррир: Ҳ.Мўминов

Босишга руҳсат этилди. 2020 йил “ ” июнь
Бичими . Буюртма № .
ЮМОМда чоп этилди. Адади нусха.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристарни малакасини ошириш маркази нашриёти,
100052, Тошкент шаҳри, Катта Дарҳон кўчаси, 6